O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
Majburiy bepul nusxa

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 24 декабрь, № 247 (5162) Жума

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ



**23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф қилган кун тартибини тасдиқлагандан кейин депутатлар мамлакатимиз ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, ташқи сиёсий, экологик ва бошқа соҳаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси мамлакат автотранспорт тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Ушбу қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра, ҳарбий турдаги автомобиль жамланмаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш имконияти назарда тутилади.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни амалга оширувчи мансабдор шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, текширишлар ўтказиш асослари ва муддатлари, шунингдек, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва вазифалари янада аниқ белгиланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги амалдаги қонунларига тузатишлар киритилди.

Моддама-модда муҳокама якунлари бўйича депутатлар мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётини пухта ўрганиш натижасида депутатлар гуруҳи қонунчилик ташаббуси тартибида «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назоратни амалга ошириш ва уйғунлаштириш тартибини такомиллаштириш мақсадини кўзлайди.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакилларининг муҳокама чоғида баён қилган таклифларини ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Суд тизимининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, судьяларнинг дахлсизлик принципини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси катта аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳужжатда судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун, шунингдек, судьяни ошкора менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиланади. Шу муносабат билан «Судлар тўғрисида»ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Фуқаролик-процессуал кодексларига тузатишлар киритилмоқда. Депутатлар муҳокама вақтида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини қўллаб-қувватлаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмитага ушбу ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифаси топширилди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги вазифаларни қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқлаштириш мақсадида экологик назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга қаратилган. Ҳужжат атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва ўрнини ҳам белгилаб беради.

Умуман олганда, қонун лойиҳаси экологик назорат тизимини такомиллаштиришга, назорат фаолиятининг уйғунлаштириш механизмини яратишга, барча бўғинлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат ва жамоат бошқаруви органининг ваколатларини белгилашга қаратилган. Ҳужжат идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати хизматларининг ваколатлари ҳамда ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини, ушбу соҳадаги бошқа ҳуқуқий муносабатларни аниқлаштиради.

Атрофлича муҳокамадан кейин депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмитага иккинчи ўқишга тайёрлаш вақтида ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган барча таклифларни ҳисобга олиш топширилди.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг муҳокамаси вақтида сиёсий партиялар барча фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари савол-жавобларда қатнашдилар, таклифлар киритдилар. Улар партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, яхлит ҳар бир ҳужжат бўйича ҳам, унинг айрим моддалари хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини депутатлар, айниқса, фаол муҳокама қилдилар. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган энг мақбул таклифлар ҳуқуқий ҳужжатларни узил-кесил маромига етказиш вақтида ҳисобга олинади. Шундай қилиб, қабул қилинган ҳамма қонун ҳужжатлари барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи мавқеларини батафсил ҳисобга олиш, кўриб чиқилган масалалар бўйича муросага келиш ва маъқул ечимларни қидириб топиш натижаси бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Янги йил байрами арафасида Тўлей магистраль табиий газ қувурлари бошқармаси ходимлари катта қулайликдан баҳраманд бўлдилар.**

## Байрам тuҳфаси

Улар учун 75 оилага мўлжалланган беш қаватли янги тураржой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**АНДИЖОН. Марҳамат туманидаги "Полвонтоштекстиль" масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати бир миллион 488 минг АҚШ долларилик модернизация тадбирлари амалга оширилгач, бу ерда йилига 1305 тонна сифатли калава ип ишлаб чиқариш имконияти яратилди.**

## Экспорт ҳажми ошди

Хусусан, корхонанинг 204 кишилик жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида бир миллион 329 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилишга эришди.

Эътиборлиси, шу йилнинг 9 ойида тумандаги корхоналар томонидан 2 миллион 686,3 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг мазкур давридагига нисбатан 39 баробар кўпдир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ХОРАЗМ. Ҳазорасп туманининг Питнак шаҳарчасидаги "Khorezm bricks" масъулияти чекланган жамиятига 625 миллион сўмлик маблағ эвазига хориждан ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тежамкор технологиялар олиб келиб ўрнатилди.**

## Тежамкор технологиялар афзаллиги

Натижада бу ерда кунига 100 минг донагача сифатли деворбоп материаллар тайёрлаш имконияти яратилди. Ҳозир 50 киши меҳнат қилаётган мазкур корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ишчилар сони яна 10 нафарга кўпаяди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СИРДАРЁ. Гулистонлик тадбиркор Нормурод Тўрабоев ташаббуси билан гилам ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Меташ-Карпет" корхонаси ташкил этилди.**

## Гулистон гиламлари

Айни пайтда бу ерда хориж технологияси асосида ойига ўртача 6 минг квадрат метр ҳажмда турли ўлчамдаги гиламлар тайёрланмоқда. Маҳсулот сифатлилиги боис ички бозорда ўз харидорини топаётир.

Эътироф этиш керакки, Гулистон шаҳридаги кичик бизнес субъектлари томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 6 миллиард 974 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Иқтисодий ривожланишда хориж давлатлари билан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги бугун амалда ўз исботини топмоқда. Зотан, айни пайтда юртимизда чет эл инвестицияси ёрдамида кўплаб корхоналар фаолият юритаяпти.*

# ИНВЕСТИЦИЯ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

### Қарор ва ижро

Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топмоқда. Бунда давлатимиз томонидан уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани айни муддао бўлаётир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур соҳада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

— Бундан тўрт йил аввал қабул қилинган ушбу қарор қўшма корхоналар фаолиятини такомиллаштириш билан бирга, мамлакатимиз ишлаб чиқаришида ўз сармояси билан иштирок этишни мақсад қилган хорижий ҳамкорлар сафини янада кенгайтирди, — дейди Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Адҳамжон Маҳмудов. — Буни, масалан, вилоятимиздаги ташқи инвестор кўмагида иш олиб бораётган 18 та енгил саноат корхонаси томонидан жорий йилнинг ўн ойида 21 миллион 174,2 минг АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилиб, ундан келиб тушган валюта маблағларидан 17 миллион 443,8 минг АҚШ доллари миқдорида мажбурий сотув имтиёзидан фойдаланилганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, кейинги пайтларда вилоятда солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинган хорижий корхоналарга 82 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция киритилди.

(Давоми 2-бетда).

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАЯНЧ КУЧИ

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли мазкур соҳа иқтисодиётимизнинг таянч кучларидан бирига айланиб бораётир. Буни сўнгги йилларда соҳа вакиллари томонидан қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.**

### Ислоҳот

— Очиғи, дастлаб ишни уддалай олармиканман, деб хавотирлангандим, — дейди Навоий шаҳридаги "Камолот тараққиёти" корхонаси раҳбари Акмал Эргашев. — "Кўз қўрқоқ, қўл ботир", деганларича бор экан. Юртбошимизнинг бевосита биз, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор бераётганликлари туфайли корхонамиз оёққа туриб, фаолиятимиз тобора кенгайиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг ўзида "Ипотека-банк"нинг 130 миллион сўмлик кредити эвазига Германиянинг "Wachtel" компаниясидан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий ускуна келтириб ўрнатдик. Натижада ҳозир жамоамизда бир кеча-кундузда 21 хилдаги 2,5 тонна нон ва 200 килограмм қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Ишчиларимиз сони эса 22 нафарга етди.

Бу борадаги ишларни жадаллаштиришда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг ҳиссаси катта. Ҳозир бошқарма ҳузуридаги олтита бизнес, тўртта ахборот-маслаҳат маркази ҳамда битта савдо майдончаси ишбилармонларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Жорий йилда 65 нафар кичик бизнес вакили Хитой, Сингапур, Россия, Латвия, АҚШ давлатларида ташкил этилган савдо ярмаркаларида қатнашиб, бир миллион 719 минг АҚШ долларилик шартнома имзолагани шундан далолат беради.

— Яқиндан бошлаб майиз маҳсулотини қадоқлаб, хорижлик ҳамкорларга етказиб беришни йўлга қўйдик, — дейди "Навоий агро омад" хусусий корхонаси раҳбари Санобар Маматқулова. — Шу билан бирга, қуритилган пиёзни қадоқлаяпмиз. Келгусида корхонамизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида тадбиркорлар томонидан 80,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсиш 110,8 фоизни ташкил этгани ана шундан далолат беради.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизнинг салоҳияти ва куч-қудратини янада юксалтириш, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

# АКАДЕМИЯДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, ҳарбий округлар қўмондонлари, ҳарбий таълим муассасалари офицер-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-майор Б. Тошматов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз мудофаа тизимини, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлигини янада ошириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Бугун элу юртимиз хавфсизлиги ва осойишталигини ишончли ва мустаҳкам таъминлаш, пухта жанговар шайликни оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ҚИШЛОҚ САНОАТИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ



*Бахтиёр Юнусов конвейердан чиққан ампулали дориларни бизга кўрсатаркан:*
*— Бўлди! Эндиликда бундай юқори сифатли, беморга тез таъсир қилувчи ноёб дори-дармонлар ўзимизда ишлаб чиқарилади! — деди.*
*Унинг юз-кўзларида хиёл ҳаяжон билан биргаликда ғурур, ифтихор туйғуси ҳам шундоққина акс этиб турарди.*

### Интилиш

Одатда, бундай туйғу узоқ йўл юриб, не машаққатлар билан юксак тоғ чўққисини забт этган одамлардагина бўлади. Бахтиёр ака ҳам бугун худди шундай кайфиятда эди. Биз шу тобда бу табиатан жонсарак, янгилик деганнинг ортидан қувиб юрадиган, тиниб-тинчимас замондошимизнинг ҳолатини ҳис этиб турардик.

Бахтиёр Юнусов пойтахт вилоятидаги "Само" кичик корхонаси раҳбари. У дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган бу мўъжаз корхонани бундан бир неча йил олдин турмуш ўртоғи, соҳанинг таниқли мутахассисларидан, фармацевтика фанлари доктори Холида Юнусова билан бамаслаҳат ташкил этган. Бугун бир неча хил дори-дармон ишлаб чиқарилаётган "Само"нинг мамлакатимиз фармацевтика тармоғида ўз муносиб ўрни, салоҳияти бор.

Президентимизнинг 2007 йил кузида эълон қилинган "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори Юнусовлар оиласи учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Қарорда фармацевтика соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, замонавий технологияларни жорий қилиш, дори сифатини яхшилаб, рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот таннархини тушириш вазифалари қўйилган бўлиб, бу Бахтиёр аканинг ҳам, Холида Манноповнанинг ҳам кўп йиллик орзуси эди.

(Давоми 4-бетда).



### Бир рақам шарҳи

**Ерингунумдор — ҳосилинг барқарор**

**2010 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда**

**401,2**

**километрлик коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди.**

*Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ана шу чора-тадбирлар туфайли мавжуд экин майдонларидан барқарор ҳосил олиш учун пухта замин яратилди.*

***Хабарингиз бор, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонун Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинди. Ушбу қўшимча жиноят қонунчилигида адолат ва инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришни ҳамда унинг амалда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.***

# ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Қонун кучга кирди

Мазкур Қонун латент жиноят, яъни содир этилган, аммо аниқланмаган ва давлат органларига хабар қилинмаган қилмишни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини рағбатлантиришга йўналтирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасида валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш учун жазо белгиланган. Бугунги тергов амалиётида ушбу моддага таааллуқли қатор ишлар кўриб чиқилган. Хусусан, прокуратура органлари томонидан 2007 — 2009 йиллар ва жорий йилнинг биринчи ярмида Жиноят кодексининг 177-моддаси билан 1264 та жиноят иши қўзғатилиб, улар бўйича катта миқдордаги валюта қимматликлари далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Таҳлиллар кўрсатишича, мазкур соҳадаги жиноятларнинг 85 фоизи ихтиёрий равишда тергов билан ҳамкорлик қилишга розилик билдирган ҳамда ноқонуний валюта амалиётининг бир тарафи бўлган фуқаролар аризалари асосида ўтказилган тадбирларда фош этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу каби ишларда фуқароларнинг ёрдамига эҳтиёж туғилиши бу жиноятнинг юқори латентлиги ва исботлашнинг мураккаблиги билан изоҳланади. Чунки валюта қимматликларини сақлашнинг ўзи жиноят сифатида эътироф этилмайди ва жавобгарлик фақат уларни қонунга хилоф равишда олганда ёки ўтказганда келиб чиқади.

Бироқ мамлакатимиз Жиноят кодексининг 177-моддасида ўз ихтиёри билан жиноят ҳақида арз қилган ва уни очишда фаол ёрдам берган шахсларни жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи норма мавжуд эмас эди.

Бу эса жиноят судловининг мақсад ва вазифаларига тўлиқ жавоб бермасди, яъни ноқонуний валюта амалиётининг бир тарафи бўлган фуқароларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорлик қилишга ундамасди. Шунингдек, аризачилар ҳаракатларида расман жиноят таркиби бўлгани учун уларнинг жавобгарликдан озод қилинишига йўл қўймайди. Оқибатда бу жиноятларнинг тез фош этилишида муайян тўсиқларни юзага келтирарди.

Таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг айрим моддаларида ўз ихтиёри билан жиноят ҳақида арз қилган ва уни очишда фаол ёрдам берган шахсларни жавобгарликдан озод этишни кўзда тутувчи нормалар мавжуд. Жумладан, 212-модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, башарти пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Худди шундай меъёрлар кодекснинг 157, 159, 160, 211 ва бошқа моддаларида ҳам қайд этилган. Шуларни ҳисобга олиб, жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонун сенаторлар томонидан қизғин муҳокама қилиниб, маъқулланди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг "Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш" деб номланган 177-моддаси "Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди", деган қисм билан тўлдирилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мазкур Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши латент жиноятларни ўз вақтида аниқлашга ва шу соҳага оид жиноятларнинг камайишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Эркин РЎЗМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қиладилар.

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Ўзбекистонда рақамли телерадиоэшиттириш: норматив-ҳуқуқий асослари ва ривожланиш истиқболлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, давлат бошқаруви органларининг масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Маълумки, Президентимиз шу йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш жараёнларида телерадиоэшиттириш тизимининг ўта муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, келгусида ушбу соҳани ислоҳ қилиш бўйича бир қатор долзарб вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ана шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, телевидение ва радио бугунги кунда энг катта аудиторияга эга оммавий ахборот воситалари бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни ҳар бир фуқарога етказишда беқиёс аҳамиятга эга. Эътироф этиш керакки, ҳозир мамлакатимиз ахборот бозорида 80 дан зиёд электрон ОАВ фаолият юритаётган бўлиб, улардан 60 тасини телеканаллар ва 20 тасини радиоканаллар ташкил этади.

— Дарҳақиқат, бугун мазкур соҳага замонавий технологиялар изчил жорий этилаётир, — дейди ушбу қўмита аъзоси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Шуҳрат Деҳқонов. — Бунинг натижасида эса тизимга рақамли, мобиль ва интернет телевидение каби мутлақо янги медиатузилмалар кириб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу йўналишда таклиф этилаётган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ҳамда мустақиллиги принципларини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, давра суҳбатида мамлакатимизда рақамли телерадиоэшиттиришларга ўтиш, ушбу соҳани истиқболда ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда телерадиоэшиттиришлар соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

# БАНДЛИК – УСТУВОР МАСАЛА

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан олий таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари бўйича парламент эшитуви ўтказилди.***

Маълумки, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама зукко, билимли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, салкам 8 триллион сўмлик маблағ "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга оширишга, 2010 йилги Давлат бюджетининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилгани юксак ғамхўрлик намунасидир.

Шу маънода, тадбирда олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш зарурлиги ҳамда бу борада давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мазкур эшитувда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг олий таълим ва касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳолати ва истиқболлари бўйича ахборотлари тингланди.

Қайд этилганидек, 2009 — 2010 ўқув йилида республикамиз олий таълим муассасаларининг бакалавриат бўлими йўналишини 60751 нафар мутахассис битирган. 2010 йилнинг 1 ноябрь ҳолати бўйича улардан 87,9 фоизининг бандлиги таъминланган.

Республикамиздаги мавжуд 1069 та касб-ҳунар коллежида 2009 — 2010 ўқув йилида 266 та мутахассислик бўйича тайёрланган 400 минг 964 нафар кичик мутахассисларнинг 79,9 фоизи ишга жойлаштирилганлиги, айниқса, қувонарли ҳолдир.

Тадбирда айрим ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар томонидан битирувчиларни ишга жойлаштириш тадбирлари тўғри ташкил этилганлиги натижасида бирмунча ижобий кўрсаткичларга эришилгани таъкидланди. Хусусан, коллеж битирувчилари бандлиги Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида юқори даражада таъминланган. Бироқ айни пайтда Наманган, Андижон, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида бу борадаги кўрсаткичлар қониқарсиз ҳолатда.

Ўз навбатида, йиғилишда иштирок этган олий ўқув юртлари ректорлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиқлари, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда парламент эшитуви якунлари бўйича қўмитанинг қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Яхши хабарлар

### Маҳаллийлаштириш шарофати

***"Ўз-Корея Медикал" қўшма корхонасининг Маҳаллийлаштириш дастурига киритилиши бу ерда бир марталик шприц ва шприц дастаклари учун эҳтиёт қисм ишлаб чиқариш лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.***

Жорий йилнинг 11 ойида корхонада импорт ўрнини босувчи 68,3 миллион дона бир марталик шприц, шунингдек, 72,2 миллион дона прокладка тайёрланди.

Таъкидлаш керакки, Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган вилоятдаги қатор корхоналар томонидан шу йилнинг ўтган даврида 23,7 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### 42 миллион сўмлик маҳсулот

***Чимбой туманида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Чимбой Ланвоод" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.***

Қиймати 1,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа асосида ташкил этилган мазкур корхонада қисқа фурсатда 42 миллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари тайёрланди. Эътиборлиси, ҳозир корхонада 40 киши меҳнат қилмоқда.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Фермер фаолиятини кенгайтирди

***Пахтачи туманидаги "Оқ қайин МБЧ" фермер хўжалиги раҳбари Манзура Юсупова ўз фаолиятини кенгайтириб, паррандачилик фермасини ташкил этди.***

Бунинг учун "Агробанк"дан олинган 300 минг АҚШ долларилик кредит ҳамда фермер хўжалигининг 220 минг АҚШ долларилик маблағларидан самарали фойдаланилди. Ҳозир бу ерда "Оҳалик Ломанн парранда" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидан келтирилган 16300 та товуқ парвариш қилинмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Иссиқхонадан – ярмаркага

***Навоий вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Зарафшон шаҳридаги "Деҳқон бозори"да қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.***

Унда вилоятдаги деҳқон ва фермер хўжаликлари ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Қишнинг аёзли кунларида иссиқхоналарда етиштирилган ёз неъматлари арзонлиги боис шаҳар аҳлига байрам дастурхонини безашда катта қулайлик яратмоқда.

Тадбир давомида 60 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари ва маърузаларида таъкидланганидек, миллий қадриятлар жамиятни ривожлантиришнинг пойдеворини ташкил этади. Ушбу масала бўйича асосий йўналишлар ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш механизмлари кўрсатилган.***

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тадбир

Хусусан, давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этаётганлигини қайд этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан шу йил 23 декабрь куни пойтахтимизнинг талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлик» маънавият ва маърифат марказида ўтказилган давра суҳбати «Миллий қадриятлар ва мамлакат ёшларининг маънавий даражасини юксалтириш» мавзуига бағишланди.

Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб қилишни таъминлаш натижасида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлигини таъкидладилар. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар марказида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган маънан бой ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси турибди. Шу муносабат билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда қўлга киритилаётган ютуқлар тобора сезиларли бўлмоқда. Таълим, маданият ва санъат муассасалари, музейлар, ижодий уюшмалар, спорт ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллалар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг биргаликда ўтказаётган, миллий қадриятларни чуқур ва ҳар томонлама ўргатиш йўли билан ёш авлоднинг маънавий дунёсини кенгайтиришга, бунёдкорлик руҳини шакллантириш ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган ишларининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу йўналишдаги ишлар доимий такомиллашиб бораётганлиги натижасида сўнгги йилларда насл-насабига ва асрлар оша синалган анъаналарга қизиқаётган ёшларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари таълим, маданият, санъат ва спорт муассасалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги ишларининг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича фикр алмашдилар. Ёшлар томонидан миллий қадриятларни ўрганиш, ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда ва касбий ўсишларида улардан кенг фойдаланиш, шунингдек, ёшлар ўртасида миллий қадриятларнинг энг яхши намуналарини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш ишларини янада такомиллаштириш зарурлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича давра суҳбати иштирокчилари миллий қадриятларни ҳар томонлама ўрганиш асосида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш мақсадида тегишли тавсияларни ишлаб чиқдилар. Бу тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларига юборилади.

Тадбирда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**(ЎзА).**

*Жорий йилда Сурхондарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 113 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 60 минг 210 та иш ўрни яратилди.*



Жараён

# ХУСУСИЙ КОРХОНА ИМКОНИЯТЛАРИ

Жарқўрғон туманидаги "Минор СТХФ" хусусий корхонаси аҳолига савдо, матбаа, фото ва бошқа ўттизга яқин турда хизмат кўрсатмоқда. Хусусий корхона хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш баробарида, ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиб, ёшларни иш билан таъминлаётир. Корхона цехларида тайёрланаётган тикувчилик маҳсулотлари ва турли мебеллар харидорларга манзур бўлмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилингани биз, тадбиркорларни янада изланишга ундайди, — дейди корхона раҳбари Олим Нормуродов. — Бундан руҳланиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чора-тадбирларини кўрмоқдамиз. Келгуси йили замонавий технология асосида фаолият юритадиган яна иккита цехни ишга тушириб, йигирмадан ортиқ иш ўрнини яратишни мўлжаллаяпмиз. Ҳозир корхонамизда олтмишдан ортиқ ёшлар меҳнат қилмоқда.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона ишчилари Фотима Қорақулова ва Гулноза Норқобилова.

**Ф. АБДУРАСУЛОВ олган сурат.**

# ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## суғурта қонунчилигини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг "Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида"ги Қонуни ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.***

Маълумки, мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, 1993 йилда "Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида"ги Қонун ва мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Бу ҳужжатлар соҳада суғурта муносабатларини янада ривожлантиришда ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Ҳозир мамлакатимизда 33 та суғурта компанияси самарали фаолият кўрсатиб келаётгани, уларнинг низом жамғармаси йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Масалан, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, уларнинг фонди ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 47,6 миллиард сўмга, яъни 3,6 фоизга ошган.

Тадбирда соҳа қонунчилигини янада такомиллаштириш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган масалалар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, юқорида номи зикр этилган Қонуннинг мақсади йўловчилар саломатлиги ва ҳаётини сафар вақтида, яъни аэропорт, шоҳбекат, бекат, бандаргоҳда рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталашдир. Ваҳолонки, унинг 2-моддасида шаҳар атрофига қатновчи темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари, шаҳар ичида қатновчи автомобиль транспорти йўловчилари учун 50 километр масофагача мажбурий суғурта қўлланилмаслиги қайд этилган. Бу ҳол амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2009 йилда шаҳарлараро автобус йўналишларида 36 миллион 875 минг, шаҳар ичида 425 миллион 543 минг, шаҳар атрофида 235 миллион 200 минг йўловчига хизмат кўрсатилган. Жорий йилнинг 9 ойида Тошкент метрополитенидан 48 миллион йўловчи фойдаланган. Айни чоғда шу йилнинг 11 ойида лицензия варақаларига эга бўлмаган 17 минг 500 нафар ҳайдовчи томонидан минглаб йўловчилар ташилган. Масаланинг нозик томони шундаки, ушбу йўловчиларнинг, яъни 50 километр масофагача қатнаган аҳолининг суғурта ҳимоясига олиниши бу Қонунда назарда тутилмаган. Қолаверса, ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланаётганларнинг суғурта масъулияти масаласига ҳам қонуний ечим топиш айни заруратдир.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш белгиланган. Унга кўра, бахтсиз ҳодиса натижасида жабрланган йўловчига ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун товон пули берилади. Яъни транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммасининг 65 фоизини зарар кўрган йўловчига тўлаш назарда тутилган. Аммо бундай ҳолатларда транспорт воситалари эгалари жавобгарлиги транспорт ичидаги йўловчилар олдида вужудга келиши аниқ белгилаб берилмаган.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, суғурта хизматининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, янги таҳрирдаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бу борада қуйи палатанинг турли идора ва ташкилотлар, хусусан, суғурта компаниялари, олий таълим муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтиришга, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганишига оид фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# АКАДЕМИЯДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда ҳарбий бўлинмаларнинг сафарбарлик ва ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини юксалтириш, эл-юртимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарга тезкор қарши туриш қобилиятини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жанговар амалиётлар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш, ҳарбий билим юртларини замонавий тренажёрлар билан жиҳозлаш, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларидан, илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш замонавий армияни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Тошкент ҳарбий округига қарашли дала-ўқув машғулотлари майдонида ташкил этилган анжуманнинг амалий қисмида замонавий жанг шароитида бўлинмаларнинг ўзаро мувофиқликда ҳаракатланиши, ҳарбий хизматчиларнинг техника ва қуроллардан фойдаланиш маҳорати билан боғлиқ кўргазмали машғулот ўтказилди.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИНВЕСТИЦИЯ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътиборли жиҳати, сармояларнинг босқичма-босқич ишлаб чиқаришга жалб этилиши туфайли технологик жараёнларни такомиллаштириш, модернизациялаш тадбирлари изчил давом эттирилмоқда.

Наманган шаҳридаги "MRT textile" хорижий корхонасида кейинги уч йил давомида жалб этилган 22 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ҳисобига замонавий йигирув технологияси ўрнатилган бўлса, автомобиль фаралари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ўзчасис" қўшма корхонасида эса хорижий инвесторнинг 15 миллион АҚШ долларилик сармояси ёрдамида Асака автозаводи учун бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бундай мисолларни "Поп фен", "Hain tex" сингари корхоналар фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

Муҳими шундаки, ташқи инвестициянинг муваффақиятли жалб этилиши мазкур корхоналарга солиқ тўловларида бир қатор имтиёзлар бериб, тежаб қолинган маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш ва бошқа зарур масалалар ечимига йўналтириш имконини бермоқда. Жорий йил бошидан буён вилоятдаги тўқимачилик корхоналарининг бир миллиард 819,8 миллион сўм миқдорида солиқ имтиёзларидан фойдалангани бунинг яққол далилидир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | |
|---|---|---|---|
| УН олий нав | 717,5 | ▲ | +7,5 |
| УН биринчи нав | 521,8 | ▲ | +11,5 |
| УН иккинчи нав | 466,5 | ▲ | +0,1 |
| ПАХТА ЁҒИ | 1680,0 | ▼ | -7,1 |
| СУЛЬФАТ АММОНИЙ | 191,7 | ▲ | +0,02 |



# ҚИШЛОҚ САНОАТИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Эндиликда ампулали дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз керак, — деди ўшанда Бахтиёр ака.

— Бу жуда хайрли иш бўлади, — дея турмуш ўртоғини қўллаб-қувватлаган эди Холида опа.

Шундан кейин тинимсиз югур-югурлар бошланди. Ўша кунлари Бахтиёр ака учун йигирма тўрт соат камлик қиларди. У ҳали туман, ҳали вилоят, гоҳ қарасангиз, республиканинг тегишли ташкилотларида пайдо бўлиб қолар, мутасаддилар ҳузурида ўз лойиҳасини асослаб беришга ҳаракат қиларди. Бунинг уддасидан чиқарди ҳам. Ҳадемай, қурилажак янги корхона учун ер ажратилди. Маблағ масаласи ҳам ҳал бўлди. Шу тариқа ишлар бошланиб кетди...

Мана, ўша "Uz Germed Pharm" деб номланган, ампулали дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона. Кенг даланинг қоқ ўртасида атрофга кўрк-салобат бағишлаб турибди.

> — Мустақиллик берган имкон, республикамизда тадбиркорларга яратилган қулай инвестициявий муҳит ушбу корхонани қисқа фурсат — 9 ой ичида ишга туширишимизда асосий омил бўлди, — дейди корхона таъсисчиси Бахтиёр Юнусов. — Бунда "Ўзсаноатқурилишбанк"дан олинган 1 миллиард 693 миллион сўмлик кредит, айниқса, қўл келди. Қурилиш-монтаж ишларига 716 миллион сўм сарфланди. Германия ва Буюк Британия технологияси асосида ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналарни Хитой Халқ Республикасининг "TRUE KING" фирмаси мутахассислари ўрнатиб беришди. Улар айни пайтда маҳаллий ёшларнинг иш жараёнларини ўзлаштириб олишларига ҳам яқиндан кўмаклашишди.

"Uz Germed Pharm" "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни тизимида ампулали дори воситалари ишлаб чиқарувчи олтинчи корхона ҳисобланади. Аммо қуввати жиҳатидан фармацевтика саноатида ўз мавқеига эга. Бу ерда соатига 20 минг донагача ампулали дори воситалари ишлаб чиқариш мумкин. Мазкур мажмуа халқаро GMR ва ISO стандартлари асосида фаолият кўрсатмоқда.

— Айни пайтда 2 хил ампулали доримизга Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли дори воситаларини экспертизадан ўтказиш бошқармасининг сертификатини олдик ва ишлаб чиқаришга киришдик, — дейди корхона ижрочи директори Абдураҳмон Назаров. — Булар 0,5 фоизли 5 граммли "Новокаин" ҳамда 10 фоизли икки турдаги "Кальций глюконат" дори воситалари бўлиб, эндиликда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш муассасаларида мазкур дориларга бўлган эҳтиёж тўла қопланади.

Гап шундаки, бугунгача "Ўзфармсаноат" концерни таркибидаги тўртта заводда ишлаб чиқарилаётган "Новокаин" бу дорига бўлган талабнинг 60-70 фоизини таъминларди, холос. Қолган 30-40 фоиз дори воситаси хориждан валюта ҳисобига олиб келинарди. Эндиликда янги корхона эҳтиёжни қоплаш билан бирга, валютани тежаш имконини ҳам бермоқда. Муҳими, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган бу дори воситаси ўзининг юқори сифати ва таннархи арзонлиги билан ҳам ажралиб туради.

— Бундан ташқари, яна тўрт хил — "Глюкоза", "Магний сульфат", "Пирацетам" ва "Эуфиллин" ампулали дори воситаларини экспертизадан ўтказиш учун топшириб қўйганмиз, — дейди Абдураҳмон ака. — Тез орада "Ўзфармсаноат" буюртмаси асосида бу дориларни ҳам ишлаб чиқаришга киришамиз.

Ҳозир корхонада 2 нафар фан доктори, бир нафар фан номзоди, 2 нафар олий тоифали провизор, 4 нафар олий маълумотли лаборант ҳамда Тошкент, Чирчиқ тиббиёт коллежларини тамомлаб келган ўттиздан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда.

— Корхонамизда сифат ва озодалик алоҳида аҳамият касб этади, — дейди қўшма корхонанинг сифат назорати бўлими бошлиғи Саидазим Икромов. — Мавжуд кимё ҳамда микробиологик лабораторияларимиз энг сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз инсон ҳаёти, сиҳат-саломатлиги билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам мутахассисларимиз ишга алоҳида масъулият билан ёндашишади. Микробиолог Мадина Астанова, кимёгар Венера Абдураҳимова ўз касбининг усталари. Корхонамиз янги иш бошлаганига қарамай, ампулаларни ювиш, пайвандлаш операторлари — Асқар Пармонов, Отабек Маткаримов, Нурсултон Момбеков, Жонибек Худойберганов, назоратчи қизларимиздан Хуршида Мирбобоева, Гулсуной Турғунбоева ўз меҳнати ва жонкуярлиги билан кўзга ташланиб қолишди.

— 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши айни муддао бўлди, — дейди Бахтиёр Юнусов. — Зеро, берилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, келгуси йилдан бошлаб "Актовегин", "Винпоцетин", "Но-шпа" каби дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бу эса республикамизда валютанинг четга чиқишини камайтириш билан бирга, дори-дармон нархини арзонлаштириш имконини ҳам беради. Эътиборлиси, қўшимча 60-70 та янги иш ўрни яратилади.

Яна бир хушхабар. Куни кеча германиялик ҳамкорларимиз билан ҳозиргача юз фоиз четдан олинаётган "Инсулин" ампулалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан янги шартномани ҳам имзоладик. Келгусида шу мақсадда замонавий технологик линияни ўрнатиш ишлари бошланади. Бу линия ишга тушгач эса, мустақил Ўзбекистонимиз дунёдаги ҳозирда "инсулин" ишлаб чиқараётган тўртта давлат — Австрия, Германия, Ҳиндистон, Италия қаторидан ўрин олади.

Бахтиёр аканинг бу гапидан кейин Юқори Чирчиқнинг Бордонкўлида қад ростлаб, фаолият юритаётган "Uz Germed Pharm" қўшма корхонаси, ҳақиқатан ҳам, истиқлолимизнинг қишлоқдаги мўъжизаси эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

**Али ЗИЁДОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

*Темур МАМАДАМИНОВ олган суратлар.*


# «Асака» банки

ўзининг барқарор мавқеини яна бир бор тасдиқлади.

ASAKA BANK

**2010 йилнинг 21 декабрида**

**«Fitch Ratings»**

**халқаро рейтинг агентлиги**

**«Асака» банкининг қуйидаги даражадаги рейтинг натижаларини тасдиқлади.**

**Банкнинг барча рейтинг кўрсаткичлари бўйича истиқболи**

**«Барқарор»**

**«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**


# Корея киноси фестивали

*Ҳамкорлик*

***Пойтахтимизда Корея Республикаси кино усталарининг фильмлари намойиши бошланди. Ундан жанубий кореялик киноижодкорлар томонидан сўнгги йилларда яратилган ва кенг омма ҳукмига ҳавола этилган фильмлар ўрин олган.***

Мазкур фильмларда корейс халқининг бардавом анъаналари, миллий қадриятлари ва урф-одатлари билан бир қаторда, соғлом турмуш тарзи, спорт тарғиботига оид қарашлари акс эттирилган.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Корейс маданияти маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу фестивалда "Ҳаётнинг унутилмас лаҳзалари", "Менинг дугонам — махсус агент", "Моҳир ошпаз", "Эски дўст" сингари турли жанр ва мавзудаги фильмлар намойиш этилмоқда.

**М. КАРИМОВА.**

## ОБ-ҲАВО

(24 декабрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 3-5 даража совуқ, кундузи 5-7 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


# «ЎЗФАРМСАНОАТ»

**ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОНЦЕРНИ**

фармацевтика саноати ходимлари номидан барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

Янги — 2011 йил



билан самимий муборакбод этиб, жаннатмонанд диёримизда тинчлик, осойишталик, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ҳамиша барқарор бўлишини тилайди.

*Янги йил дастурхонимизга қут-барака, оиламизга шоду хуррамлик, ишларимизга омад олиб келсин!*


# Ғолиблар аниқланди

*Спорт*

***Пойтахтимизда стол тенниси бўйича ўсмирлар ўртасида VII Республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 60 нафар спортчи жуфтлик ва якка тартибдаги мусобақаларда ўзаро беллашдилар.***

Икки кун давом этган муросасиз беллашувлар якунида ғолиблар номи аниқланди. Жуфтлик баҳсларида Бухоро вилоятидан Муаззам Асқарова ва Тошкент вилоятидан Регина Ким, Наманган вилоятидан Мунаввар Шукуржонов ҳамда Улуғбек Маҳмудов тандеми, якка тартибда эса бухоролик Муаззам Асқарова ва андижонлик Қутбидилло Тешабоев биринчи ўринни эгаллашди.

Мусобақа ғолиблари тадбир ташкилотчилари ҳамда ҳомийларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Фазилат ХУДОЙНАЗАРОВА.**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 145,8 ▲ +6,7 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 138,5 ▼ -1,5 | АРМАТУРА 2057,4 ▼ -154,1 | ШИФЕР (1 лист) 12459 ▼ -30,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 |

Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.50 1 2 4 5